



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2004 йил 11 декабрь, № 255 (3530)

Шанба

Янги қурилишлар билан танишув

10 декабрь куни Президент Ислон Каримов пойтахтимиз Тошкентда амалга оширилган янги қурилиш ва иншоотлар, жумладан, шаҳарнинг Эски Жўва майдонида олиб борилаётган кенг кўлагдаги ишларнинг аҳволи билан яқиндан танишди.



Маълумки, Тошкентнинг қадим тарихга, ўзига хос кифога эга бўлган, аҳоли зин яшайдиган Эски шаҳар қисми доимо давлатимиз раҳбарининг эътибор марказида бўлиб келади. Айниқса, мус-

тақиллик йилларида бу жойларни ободонлаштириш, унга замонавий кўрк ва чирой бахш этиш, эски тузум даврида ечиммай келган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун кўп иш қилинди.

Хусусан, даставвал Сағбон, Қорасарой, Чимбой, Фафур Фулом, Форобий каби эгрибугри, тор кўчалар кенгайтирилиб, раvon магистраль йўлар барпо этилди. 167 гектардан ошқ кўлама-

зорлаштирилди. Қарийб етмишта маҳалла гузари, кўлаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим масканлари, маданий-маиший иншоотлар қуриб, ишга туширилди.

Бугунги кунда ушбу даҳанинг маркази бўлмиш Эски Жўва майдони ва унинг атрофидаги ҳудудларни замонавий асосда тубдан реконструкция қилиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз бу ишлар билан танишар экан, аввало, Эски шаҳарнинг шарқона қиёфасини сақлаб, уни ҳозирги замон шаҳарсозлик талаб ва тамойиллари билан уйғунлаштирган ҳолда қайта қуриш ва ободонлаштириш масаласига эътибор қаратди.

“Тошкентни Тошкент қиладиган, унга файзу тароват бағишлайдиган қадимий шаҳримизнинг даҳалари, маҳаллалари, дарвозалари, десак, хато бўлмайди. Эски шаҳар — қадимийлик ва миллийлик тимсолидир, — деди Ислон Каримов. — Лекин, бу ердаги мавжуд бугунги ҳолат бизни қониқтирмайди.

Эски шаҳар ҳудуди шаҳримизнинг бошқа туман ва мавзёлари қатори энг кўрк ва замонавий кифога касб этиши учун барча куч-имкониятларимизни сафарбар этишимиз лозим”.

Бугун Эски Жўва майдонида қадам қўйган одам бу ерда

ана шу мақсад йўлида катта ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлади. Хусусан, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи, Зарқайнар ва Сағбон кўчалари бошланадиган ҳудудни, Эски Жўва бозорини тартибга келтириш, бу ерда кенг кўлагдаги кўламазорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини бажариш кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари амалга оширилган ишларни таққидий баҳолаб, ўзининг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини, тақлиф ва тавсияларини билдирди.

Жумладан, транспорт катновини яхшилаш учун автомобил йўлларини янада кенгайтириш, ён-атрофда яшил майдон ва гулзорлар барпо этиш, жазирама иссиқдан сақлайдиган дарактлар ўтқозиш, бу жойларнинг паст-баланд ерлардан иборат эканини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида меъморий ёндашув ва ечимлар топиш зарурлигини таъкидлади.

Айниқса, бозорга келадиган аҳоли учун ҳар томонлама қулайлик яратиш, Эски Жўва майдонида транспорт оқими-ни бошқариш ишларини оқилона йўлга қўйиш лозим-

лигини уқтирди. Кейинги йилларда Эски Жўва бозорини кенгайтириш ва тартибга келтириш мақсадида бирмунча ишлар қилинди. Лекин, уларни ҳали талаб даражасида деб бўлмайди. Шу сабабдан Юртбошимиз бу масалани жиддий қайта кўриб чиқиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Шу борада ёнгарчилик пайтида бозор ҳудудига қор-ёмғир сувларининг оқиб тушиши оқибатида юзага келадиган антисанитария ҳолатларига барҳам бериш, савдо ва овқатланиш шохобчалари ишини замонавий асосда ташкил этиш, бир қатор биноларнинг тарихий қиёфасини сақлаган ҳолда таъмирлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилади.

Бу ерда амалга ошириш лозим бўлган ишлар ҳажми-ни ҳисобга олиб, Юртбошимиз мутасадди раҳбарларга Эски Жўва ҳудудини реконструкция қилиш ва ободонлаштириш бўйича махсус лойиҳа ишлаб чиқиш вазифасини тоширди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси 10-банди, 35, 36, 41-моддаларига ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР** қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси қалинлиги 70 гр/м², сув белгили, оппоқлиги камиди 85 фоиз бўлган, «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент типография фабрикаси томонидан тайёрланган матбаа офсет қоғозида босилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг ўлчамлари А-4, 297x210 мм дан иборат бўлиши лозим;

сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг матни сайлов бюллетени ҳамда сайлов варақасининг факат бир томонига бир хил (қора) рангда жойлаштирилади, бунда қуйидагилар тўқ қора харфларда ажратиб кўрсатилади:

- а) сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг номланиши;
- б) сайлов округининг номланиши;
- в) сайлов ўтқазилган санаси;

г) депутатликка номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

д) депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи;

е) сайлов бюллетени, сайлов варақасининг пастки қисмида катта харфлар билан жойлаштирилган уларни тўлдириш тартиби бўйича тушунтириш; ҳар бир номзод ҳақидаги маълумотлар бошқа номзод маълумотларидан тўқ қалин чизик билан ажратилган бўлиши керак;

сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари факат округ сайлов комиссияларининг қарори бўйича ҳамда кузатуви остида сайлов ҳужжатларини тайёрлаш учун техник жиҳатдан жиҳозланган матбаа ташкилотларида тайёрланади;

матбаа ташкилоти сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларининг ярқок ёки ярқоксизлигини текширади ҳамда уларни сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларини олиш ваколати-

га эга бўлган, уларни тайёрлаш учун буюртма берган округ сайлов комиссияси аъзоларига далолатнома асосида топширади, далолатномада унинг тузилган санаси ва вақти, шунингдек, топширилган сайлов бюллетенлари ҳамда сайлов варақаларининг сони кўрсатилади. Буюртмага мувофиқ миқдордаги сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари топширилгандан кейин матбаа ташкилоти ходимлари ярқоксиз деб топилган ва ортиқча сайлов бюллетенлари ҳамда сайлов варақаларини дарҳол йўқ қиладилар ва бу ҳақда далолатнома тузиладилар, далолатнома барча ҳозир бўлганлар томонидан имзоланади.

3. Таъкидлансинки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан сайловга камиди уч кун қолганида оладилар;

участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас;

сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчага участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади;

ҳар бир рўйхатга олинган номзод тўғрисидаги маълумотларнинг ўнг томонига бўш каттакчалар жойлаштирилади;

ҳар бир сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисида тушунтириш бўлиши керак;

овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссияларининг аъзолари ҳозирлигида сайлов варақалари солинган ёпқ конвертлар қутиларга ташланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси то-

монидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

4. Белгилаб қўйилсинки: сайлов варақалари сайлов ўтқазилган ўн беш кун олдин участка сайлов комиссиясига келтирилиши керак;

участка сайлов комиссияси томонидан округ сайлов комиссиясидан олинган сайлов варақаларининг сони, қанда тартиқасида, сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатига киритилган сайловчилар сонининг ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас;

сайлов варақасининг ўнг томони юқори бурчага участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади;

овоз бериш тугагач фойдаланилма-

ган барча сайлов варақалари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов участкаси бўйича қарорига биноан Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган намунага мувофиқ сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларининг матнларини тасдиқласинлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг чоп этилиши лозим бўлган миқдорини белгиласинлар.

6. Округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссияларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов варақалари билан 2004 йилнинг 11 декабрига қадар, сайлов бюллетенлари билан 2004 йилнинг 23 декабрига қадар таъминлашни ташкил этсинлар.

7. Округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссиясига сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларини топшириш далолатномасининг намунаси тасдиқлансин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини ташкил этиш Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С. Хужаева зиммасига юклансин.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси:

Тошкент шаҳри,
2004 йил 20 ноябрь.

Б. МУСТАФОЕВ

1-илова

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сайловига доир САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

Участка сайлов комиссиясининг муҳри

(имзо)

(имзо)

00-Наврўз сайлов округи

2004 йил 26 декабрь

№	Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (мансубликнинг тури), уни депутатликка номзод этиб ким кўрсатган (сиёсий партия, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи)	Кимни ёқлаб овоз берсангиз, фамилияси рўпарасида белги-крестик қўйинг
1	Антонов Михаил Михайлович, 1936 й. Темир йўллари машиналарини таъмирлаш бирлашмаси бош директори Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	<input type="checkbox"/>
2	Ботиров Турсун Пўлатович, 1940 й. «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўринбосари Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	<input type="checkbox"/>
3	Расулов Ботир Фуломович, 1970 й. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходими Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	<input type="checkbox"/>
4	Умаров Ўқтам Рўзиевич, 1948 й. Тошкент электротехника заводи бош муҳандиси Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи	<input type="checkbox"/>
5	Фозилов Маҳмуд Маҳкамович, 1965 й. Кўчмас мулк ва хоржий сармоялар миллий агентлиги бош мутахассиси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎЗЛИ ДeП)	<input type="checkbox"/>
6	Янгибоева Шахло Рустамовна, 1954 й. Бекобод шаҳри 15-ўрта мактаб директори Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП)	<input type="checkbox"/>

Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган номзод фамилиясининг ўнг томонидаги бўш каттакчага белги-крестик қўйинг. Биттадан ортиқ бўш каттакчага белги-крестик қўйилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб топилади.

2-илова

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сайловига доир САЙЛОВ ВАРАҚАСИ

Участка сайлов комиссиясининг муҳри

(имзо)

(имзо)

00-Наврўз сайлов округи

2004 йил 26 декабрь

№	Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (мансубликнинг тури), уни депутатликка номзод этиб ким кўрсатган (сиёсий партия, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи)	Кимни ёқлаб овоз берсангиз, фамилияси рўпарасида белги-крестик қўйинг
1	Антонов Михаил Михайлович, 1936 й. Темир йўллари машиналарини таъмирлаш бирлашмаси бош директори Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	<input type="checkbox"/>
2	Ботиров Турсун Пўлатович, 1940 й. «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўринбосари Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	<input type="checkbox"/>
3	Расулов Ботир Фуломович, 1970 й. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходими Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	<input type="checkbox"/>
4	Умаров Ўқтам Рўзиевич, 1948 й. Тошкент электротехника заводи бош муҳандиси Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи	<input type="checkbox"/>
5	Фозилов Маҳмуд Маҳкамович, 1965 й. Кўчмас мулк ва хоржий сармоялар миллий агентлиги бош мутахассиси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎЗЛИ ДeП)	<input type="checkbox"/>
6	Янгибоева Шахло Рустамовна, 1954 й. Бекобод шаҳридаги 15-ўрта мактаб директори Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП)	<input type="checkbox"/>

Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган номзод фамилиясининг ўнг томонидаги бўш каттакчага белги-крестик қўйинг. Биттадан ортиқ бўш каттакчага белги-крестик қўйилган сайлов варақаси ҳақиқий эмас деб топилади. Тўлдирилган сайлов варақаси конвертга солиниб, уни ёпқ ҳолда участка комиссиясида қолдирилади.

Хабарлар оқимидан

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

НАЖОТ ГУЛШАНИ

Одамлар бир-бирларига интилиб, бир-бирларининг хузурига ошиқиб яшайдилар. Тиркичиликда, ташвишда қолганга суянч-юпанч, беморга ҳамдард, кўнгли яримга ҳам-нафас бўладилар. Қувончли кунларни жамоа бўлиб нишонлайдилар. «Кўнда, жамоада Ҳузир бор», «Одамнинг тафтини одам олади», дегу-чи гаплар бежизга айтилмаган.

Бу ҳолатларни биз қисқагина қилиб, одам-гарчилик, меҳр-оқибат, дийдор, деб атаймиз. Бу атамаларни ҳар бир киши ўзинча ифодалай-ди. Шарҳлайди. Мана, эшитинг!

Салим МАРДОНАҚУ-ЛОВ, Кумкўрғондан, зиёли:

— Меҳр — нажот. Таниш-билишингга, қариндош-уруннинг меҳрини сени оч-кўзликдан, бахилликдан, ёвузликдан асраб юради. Шу балолардан халос бўлдингми, демак, соғломсан. Дилнавозсан. Ширин-ширин нафас оласан. Ширин-ширин ухлайсан. Шунинг ўзи... бахт-ку.

Нортожи КУЛТЎРА-ЕВ, Қизирқум туманидан, фермер:

— Мен иш-меҳнат одамиман. Уч-юч гектарча ерни обод қилмоғим керак. Одамларга меҳр-мурувватли, Ватан ҳақидаги гапим, ҳатто ўзининг қадам оли-шиму қиёфамнинг тасвири шу ер. Шу меҳнат. Ерни обод қилиш, тўғриси ай-

тай, саҳнага чиқиб кўшиқ айтишу қасида битишдан анча қийин иш.

Ҳалима Йўлдоше-ВА, Ангор тумани, Гулистон маҳалласи, уй бекаси:

— Юртбошимиз яқинда Сурхондарёга келганларида кишлоғимизга тушиб ўти-лар. Фермер хўжалигимизга «Дамас» совға қилдилар. Машина ўз йўлига. Гап — меҳрда. Эътиборда. Бизга берилган совгадан бутун ма-ҳалла, бутун туман ахлининг боши осмонга етгандай бўлди. Шундан билдикми, биз бир-бирини бағрига босган, бирининг боридан иккинчиси хурсанд бўлади-ган эл эканмиз. Мен оддий бир кишлоқ аёли бўлсам ҳам айтаманки, Юртбоши-мининг ҳар бир қадамла-ри, ҳар бир сўзларидаги

меҳр бизларни тагин ҳам мустаҳкам жипслаштиради. Бундай юрда ишлаш ке-рак. Тўйиб-тўйиб нафас олиб яшамок керак.

Мамаюсуф БЕКМУ-РОДОВ, Бандихон ту-мани:

— Меҳр меҳрни уйғота-ди. У қарга, омонатга бе-рилмайдиган, бебаҳолиги ҳамиша барқарор жаҳоир. Меҳр дунёнинг устун. Меҳр қонган жойдан фа-ришталар қомади. Меҳрсиз жойда ҳатто ҳаво — кис-лород бўлмайди. Меҳр бу одамларнинг, кунгиллар-нинг бир-бирига тортилиш қонуни. Меҳрга дарз етма-син. Меҳрга дарз етдимми, та-мом, мувозанат бўлади.

Тоштемир ТУРДИ-ЕВ, Денов шаҳри:

— Меҳр одамнинг ҳар бир нафасида, суҳанида бўлсин. Нимаики сохта бўлса, гаразли бўлса, бу меҳр эмас. Бу миннатдир. Меҳрни мен ҳалол меҳнат билан маърифатнинг уй-унашуви деб тушунаман. Шу уйғунлик ҳамиша бар-қарор бўлсагина, кўзимиз ўткир, дунёмиз ёруғ бўлади.

«Халқ сўзи» мухбири **О. УСАНОВ** тайёрлади.

Дастурнинг ИККИНЧИ БОСҚИЧИ

CASP дастурининг асосий мақсади Ўзбеки-стонда турли соҳаларда ижобий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш йўлида демократик ма-даниятни кучайтиришга ёрдамлаштириш ва мақсад-ли гуруҳлар билан иш олиб боришдан иборат. CASP дастури ўзининг иккинчи босқичида ма-ҳаллий ташилотларга тренинглар ташкил эта-ди ва техник ёрдамлар кўрсатади. Шунингдек, нодавлат, нотижорат ташилотларни, жумла-дан, сувдан фойдала-нувчилар уюшмалари каби аъзолик ва ишти-рослашган ташилот-ларни ҳам дастурга жалб этади. CASP дастури Counterpart International ташилот томонидан бошқарилади.

М. ЮСУПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янги таълим қошонаси

Тойлоқ тумани мар-казида қуриб битка-зилган таълим қошо-наси — Агротадбир-корлик коллежида агро-ном, ҳисобчи, фер-мер, менежер, менеж-мент каби касблар бўйича мутахассислар тайёрланади.

Қисқа вақтда фой-даланишга топирил-ган билим маскани қурилишига 1 милли-ард 600 миллион сўм маблағ сарфланди. Барча фан кабинетла-ри компьютер, замо-навий асбоб-ускуна-лар билан жиҳозлан-ди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Истеъдодга аҳтиром

Кеча Ўзбекистон Ба-дий академияси Замо-навий санъат маркази-да Қозоғистон Респу-бликаси халқ рассоми, давлат мукофотининг лауреати Абилохон Кас-теевнинг 100 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.

Абилохон Кастеевни тасвирий санъат мух-лислари ўз ишининг ус-таси, ватани ва халқи-

ни юракдан севувчи ижодкор сифатида яхши билишди. У ўзининг бу-тун умрини Қозоғистон тасвирий санъатини ри-вожлантиришга бағиш-лади.

Мусаввир умри даво-мида яратган 1000 дан ортиқ асарларида қадим ва турфа қозоқ мадони-ятини бадиий ифода этиш бош мавзу бўлди. Рассом ижоди қозоқ

фольклори билан чам-барчас боғлиқ бўлиб, асарларида шоирона об-разлар, ранглар ва тас-вирий оҳанглار уй-ғунлашиб кетади.

Абилохон Кастеев тас-вирий санъатда ўзига хос из қолдирди. Шу боис унинг номи нафа-қат ўз ватанида, ундан ташқарида ҳам машҳур бўлди.

Ушбу кўргазма улғу-рассомга бўлган эҳти-ромнинг бир қирраси эканлигини таъкидлаб ўтди.

С. МУКИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бўш турган бинолар — шифохоналарга

Хўжабод тумани ҳокимлиги Мадий-ров номи, А. Қаҳҳор номи, Бобур номи ширкат хўжалиқларидаги кўркамлиги, замонавийлиги билан унча-мунча иншоотлардан қолишмай-диган маъмурий биноларни қишлоқ врачлик пунктига айлантириш ташаб-буси билан чиқди. Бунинг учун уларни сифатли таъмирдан чиқариш ҳамда тиббиётнинг замонавий жиҳозлари

билан таъмирлаш зарур эди. Аҳоли саломатлигини бебаҳо бойлик деб билган хўжалик ва ташилотлар ҳамжиҳат бўлиб ҳашар ташкил этди-лар. Шундай қилиб, ўрта ҳисобда 60-70 миллион сўмлик маблағ сарфлани-ши ҳисобида мухташам ҚВПлар вужудга келди.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация)
ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»
 предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.
 Завод-изготовитель — «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

Диаметры труб (мм)	Цена за 1 тонну сум.	
	Цены действительны по 31.12.2004 г.	
ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:		
ДУ 15х2,8 мм	939000	ДУ 50х3,0 мм 919000
ДУ 20х2,8 мм	939000	ДУ 65х4,0 мм 919000
ДУ 25х3,2 мм	929000	ДУ 80х3,5 мм 919000
ДУ 32х3,2 мм	919000	ДУ 100х4,0-5,0 мм 986000
ДУ 40х3,0 мм	919000	
ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:		
57х3,5 мм	994000	108х3,0-4,5 мм 994000
76х2,8-4,5 мм	994000	114х3,0-6,0 мм 994000
89х5,0 мм	919000	159х5,0-6,0 мм 1177000

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):

- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 132-20-56, 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
 E-mail: uzkommash@tkk.uz
 Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Нийёзбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Ўзбеккоммунлоях».

Товар сертифицирован, услуги лицензированы.

Газетада босилмади, аммо... Назоратга олинди

Тошкент Фуқаролар иншоотлари ва сув таъминоти дистанцияси ишчиларининг иш ҳақларини вақтида ололмаганлари хусусида ёзган шикоят хатлари текшириш учун Ўзбекистон темирйўчилири ва транспорт қурувчилари қасаба уюшмасига юборилган эди. Яқинда Марказий қўмита раиси К.СОБИРОВ имзоси билан расмий жавоб олди.

Унда таъкидланишича, кор-хонада иш ҳақининг ўз вақ-тида берилмай қолишига корхонада бўлиб ўтаётган тузилмавий ўзгаришлар ва дебиторлик қарздорликлар асосий сабаб эканлиги маълум бўлган. Дебиторлик қарздор-лиқни тугатиш мақсадида шундай ҳолатга йўл қўйган барча корхона раҳбарлари, қасаба уюшма қўмита ра-ислари иштирокчида маж-лис ўтказилган. Унда кор-хона раҳбарларининг ахволни ўнглаш чора-та-

бирлари ҳақида ҳисобот-лари тинланган. Муҳокама яқунлари бўйича қарор қабул қилин-ган ва барча корхона ра-ҳбарлари Тошкент фуқаро иншоотлари ва сув таъ-миноти дистанциясига де-биторлик қарздорликларини тугатиш юклатилган. Карорнинг бажарилиши Марказий қўмита томони-дан назоратга олинган. Қўрилган чоралар туфай-ли шу йилнинг май-август ойлари учун ишчиларга иш ҳақи берилган.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

Ишлаб чиқарувчи заводлар ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.

Мулоқот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

«ГАЗ-31105»
 «ИЖ-2717»
 «ВАЗ-2106»
 «ГАЗЕЛЬ»

Товар сертифициланган

Ҳазони ижро этиши муассасаларнинг қўриқлаш молажалари капитал таъмирлаш учун мутахассислари ва рухсатномаси бўлган ташкилотлар 10 кун ичида қўйидаги телефонларга мурожаат қилишлари-ни сўраймиз.
 Тел.: 8-371-71, 3-05-59, 2-68-46, 189-32-63.

Сизнинг имзонингиз — хар қандай сейфдан афзал!

Аксарият ҳолларда ўғриларни уйда сақланадиган пуллар қизиқтиради. Сизда American Express чеклари бўлса, нақд пулларингиз йўқолишидан хавотирланмасангиз ҳам бўлади. American Express чеки уйда сақланаётган нақд пулларингизни ҳар қандай қулф ва сейфлардан яхшироқ асраш имкониятини яратади.

American Express чекларини истаганингизча узоқ муддат сақлангангиз мумкин, чунки уларнинг амал қилиш муддати чекланмаган.

Сизнинг имзонингиз қўйилган чекдан фақат ўзингиз фойдалана оласиз. Агар чекларни йўқотсангиз ёки ўғирлангангиз, уларни эмитент (одатда 24 соат ичида) тиклаб беради.

American Express — халқаро молиявий корпорациядир. Мазкур корпорация 150 йилдан ортиқ вақтдан буён мавжуд бўлиб, иқтисодий вазиятдан қатъи назар, чекларнинг тўловини таъминлайди.

American Express чеклари — пулни уйда ва сафар чоғида асраш имкониятидир. Улар бутун дунёдаги миллионлаб молиявий ва кредит муассасаларида қабул қилинади.

American Express чекларини Миллий банкнинг яқин ўртада жойлашган муассасасида харид қилишингиз мумкин.

American Express чеклари — ўзингизнинг «нақд пулларингиз»дир.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ

Қўшимча маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим/филиалига, алмасув пунктларига мурожаат қилишингиз мумкин.
 Мулоқот учун телефонлар: 135-40-60, 134-12-09 www.nbu.com
 Йўқолган чекларни тиклаш хизмати телефони: (095) 956-08-29 www.amex.ru

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ
 ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

қўйидаги иншоотларга танлов савдоси (тендер) ўлказилишини эълон қилади

1. Наманган вилояти, Наманган тумани, Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги, Қайқовус қишлоғидаги шифокорлик пунктини тайёр ҳолда (под ключ) қуриш. Қурилишни яқунлаш муддати — 120 кун.
2. Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, «Зарбдор» қишлоқ фуқаролар йиғини, Исковот қишлоғидаги қурилиши тугалланмаган 50 ўринли касалхона бизнесини озик-овқат ишлаб чиқариши йўналишидаги 600/50 ўринли касб-хўнара коллежига тайёр ҳолда (под ключ) мослаштириш. Қурилишни яқунлаш муддати — 330 кун.

Буюртмачи — Наманган шаҳри, А. Темури кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Телефонлар: (8 3692) 26-22-60, 33-77-06.
 Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
 Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қўйидаги шартларга: танлов савдоси предметининг 20 фоиз миқдоридида айлана маблағларнинг ёки қуратиб ўтилган маблағларни беришга банк қарздорлигига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти консалтинг марказига қўйидаги манзилга: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уйга (Матбуот ўйи, 4-қават) иш кўнари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилиш мумкин.
 Тел./факс: (8-3692) 26-14-50, 26-47-91.

Бир тўламан танлов ҳужжатларининг нархи — 50000 сўм.
 Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридан манзилда қабул қилинади.
 Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охирига мuddати — оферталар очилиши куни ва соати.
 Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, ўттиз кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Хўжаев кўчаси, 59-уй.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мудоқилини бо-шиқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты
Музаффарбек Азимович СОБИРОВнинг
 вафот этганини чуқур қайгу билан билди-риб, марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва ёр-бирларидангина самимий тазия изҳор қилади.

Ўзбекистон Савдо-саннат палатаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси де-путати, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг собиқ раиси
Музаффарбек СОБИРОВнинг
 вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур тазия изҳор этади.

Бозор қўнималарини ривожлантириш маркази жамоаси Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси депутати, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида узоқ вақт раис лавозимида ишлаган
Музаффарбек Азимович СОБИРОВнинг
 вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлари-га чуқур тазия изҳор этади.

М. Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат инегиутти жамоаси «Театр санъати» факультети декани уринбосари Рихсидилла Йесоновга волидан муҳтарамаси
ШОҲИСТА АЛИНОВ
 вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

«Жаҳон адабиёти» журнали жамоаси журналининг етакчи ходими
Раҳматилла ИНОҒОМОВнинг
 вафот этганини чуқур қайгу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва ёру бирларидангина самимий ҳамдардлик изҳор этади.

Қоҳиранинг кунботарида, азим Нил бўйида Луксор деган дўппидек шаҳарча бор. Осори атиқалар, минг йиллик бидалар ўлкаси. Дарёнинг чап соҳилидан Шоҳлар водийси бошланади.

Албатта, энди бу водийнинг «шоҳ»лиги қолган эмас. Паст-баланд, гиёҳсиз тақир қирлар, археологлар чала қазиб кетган хандақлар, яккам-дуккам заранг дараклари кўнгилга маҳзунлик солади.

битмас эди, молхонанинг томи ямалмас эди, янги техника ҳам ололмас эдикда, ака.

Мавлон ўз маблағи ҳисобидан 120 ўрилли битта мактаб солиб берибди. Қишлоқдаги қўли калта оилаларга, пенсиядаги отахон, онахонларга кўмагини дариг тутмас экан. Унинг яна бир хайри ишши беоналардан эшитдик. Олий мактабларда ўқийдиган бир нечта парктентик талабанинг контракт пулини ҳам у тўлаб турибди экан. Бу йилига бир неча миллион сўм бўлади.

Мен уни синаш учун: — Шунча мурувват қилибсиз, индамайсиз? — дедим.

— Унг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин, деган гап бор, — деб кулди у, — жимматингизни пеш қилсангиз, унинг савоби йўқолади, миннатга айланади. Баъзи бировларга хайронман. Телевизорга чиқиб олиб, ундоқ қилдик, бун-

Солиқчилар ўзбекчани билишмайдими?

Бир мақола олиб келдим, ўғлим, лекин озгаки. Айтвераман, ёзиб бораверасан, зўр мақола бўлади, аммо.

Мен ўқимган, оми одамман, ўғлим. Кеча хуфта бозордан келсам, кампирим бир қоз тутақазди. Мухрим бор. «Государственная налоговая инспекция Мирабадского района» деган ёзувлари бор... Турар жойимни ҳам ёзиб қўйибди. Ундан кейинги хатларни ўқиб юрагим қон бўлиб кетди: «...2004 г., ...4396 сум, ...7 дней, ...суд» деганларига тишим ўтди-ю, аммо хатда нима дейилганига ақлим етмади. Кампирга кўрсатсам, у ўзича шарҳлай кетди: «Мирабаддан олган 4696 сўм қарзингизни 7 кун ичида бермансангиз, 2004 йилдан қолмай суд бўларкансиз».

Унинг гапларини эшитиб туриб, оғзимдаги носни юртбай дебман.

— Канака Мираббос? — дедим. — Бунақа одамни умримда кўрмаганман. — Танимасангиз, — кампирим қозғозни ҳижжалаб ўқишда давом этди. — «Зам Начальника ГНИ Э. А. Гусейинов» га учаркансиз. У менга учрайсан дегандай қилиб муҳр босиб, тасдиқлаб ҳам қўйибди.

Туни билан икковимиздаям уйку бўлмади. Не халларга бормади. Хатни бирорта қўшига ўқитиб, мазмунини билволлай деса, палончидан олган қарзингизни бермай юрган экансиз-да, уялинг-э, дегандай гаплар чиқди: деллимизда белбоғ бор, номус қиламиз.

Эртасига хатда кўрсатилган манзил бўйича йўлга тушдим: «Опорний пункт улица чиковани, 3 дом (орентир кафе-ламанная). Туртта лагмонхонага кириб чиқдим: биров судиниям, начальнигиниям, Мираббосиниям толиб беролмади. Нима бўлса булар деб, китоб кўлтиклаган йигитга хатни кўрсатдим.

— Э, отахон, сиз лагмонхонага эмас, Миробод туман солиқ инспекциясига боришингиз керак экан! Юринг, кўрсатиб кўрман, — деди у кулиб.

— Шугина нарсамикан? э, ўғлим, шугина нарсамикан? Хатини ўқиб не халларга бормади. Хатто кампирим, «Каригингизда судга тушиб, қамалиб кетсангиз-а?» деб кўз ёши ҳам тўкиб олди. Шунга

ўзбекча қилиб ёзишса бир жойлари қамалиб қолади, — дедим худди йигит айбдордай.

Йигит буни ўзларидан сўрайсиз, дегандай солиқ идорасига ишора қилди. Идорасига кириб, хафсалам янада пир бўлди. «Буйруқлар, зълонлар, янгилар» деган сарлавҳани ўзбекча ёзишди, аммо қолган ҳамма ёзувлар русча.

Нима бало, ўғлим, солиқ идорасидангилар давлат тилини билишмайди-ми? Эздингми? Мақола тамом, нуқтани қўй. Остига Абдуносир бува деб ёзиб ҳам қўй. Махаллага бориб сўрасанг ҳамма билади, фамилияни нима қиласан.

Абдуносир буванинг айтганларини С. АНВАР қозғозга туширди.

Искандарнинг очик қўллари

ёки балои нафс ўйинлари

Йил ун икки ой Шоҳлар водийсидан одам оёғи узилмайди. Бу ерда минг-минг йил бурун мумийлаб кўмилган миср фиръавнларининг даҳмалари бор. Уларнинг энг машҳури — Тутанхамон жасади ҳам шу водийдаги кўрмисиз бир тепалик бағрида. Торгина ўзандан қориб, қоронги ўнгирга қирасиз. Пойгакда кабрхона. Унинг олдидаги икки харсанг тошга турли шакллар солинган. Бу қадимги Миср ёзуви экан. Йўлбошловчи тошлардаги биткини ўқиди. Битик мазмунини тахминан шундай эди: «Эй, омонат инсон! Сабру қаноатни одат қил. Қаноат — қаноатдир, сени кўларга олиб чиқажак. Ҳою ҳавас кули бўлма, ҳарислик мисли занжирдирки, оёгингдан тортиб, тупроқ қаьрига элтгай».

ниҳоят, бировнинг ҳақидан ҳазар қиларди, айниқса етим-есирнинг ризига кўз олайтирмасди... Саққизинчи асрда ориф аёллар мартабасига етишган зоти шарифалардан бири Рубиа ал-Адавий эди. Бу доно аёл ҳақида ажиб ривоятлар бор. Шулардан бири мана бундай.


Бир кун Робиадан сўрадилар: — Муаллимани хоним, нафси шайтон устидан қўлиб келиш мумкинми? — Мумкин, — деди Рубиа ва ҳикоятини бошлади. — Неча кун танҳо ўтириб, ил йигирдим. Қалава қилиб сотсам, бирон егулик оларман, деб ўйладим. Сотдим. Икки кумуш танга бўлди. Бир тангани ўнг қўлимга, иккинчи тангани чап қўлимга олиб, сиқиб ўтирдим. — Нега ундай қилдингиз, хоним?

— Негаки, икки танга бир қўлимда бирласа, шайтонга айланмасин, мени йўлдан уриб, хор қилмасин, дедим. Ёзув пайдо бўлибдики, ахли дониш қаноат ва таъма, тавозе ва кибр, диёнат ва риб тўғрисида ўлмас битиклар битиб келади. Юқорида Миср фиръавнла-

лойик), нафси раддийа ҳамда сафийа, яъни покланган, олийжаноб нафс дегя тоифаларга ажратганлар. Биз кундалик истеъмолда бу тушунчаларни оддийгина қилиб ҳайвоний нафс, руҳоний нафс дея қўлайимиз. Қўлли-жонли махлуқнинг, жумладан, одамзотнинг моддий аҳтиёжини аяллатувчи нарсалар ҳайвоний нафсга кирса, ёлғиз инсон фарзандига хос бўлган жавҳар, инсоннинг рухий дунёсини мувоzanатда ушлаб турадиган нараса — бу руҳоний нафсдир. Ана шу мезондан келиб чиқиб, ён-атрофимизга боқадиган бўлсак, шoir Завқий айтмоқчи «қўл яқога борғудек турфа замон» манзараларига дуч келамиз.

Азим шаҳарнинг янги маҳалласи. Бир серфарзанд киши уй соломда. Бир қаватли, иккинчи қаватли. Унинг девор қўшиқси ҳам тўрт кишилик оиласи учун иморат тиклапти. Аммо бу бино уч қаватли, хашамдор, бўлмаганда 10-12 хоналик. Иккинчи қаватда ҳаммом, катта ховуз, учинчи қаватда бильярдхона. Хали бу бойвачанинг касри битгани йўқ. Битан-

GURUNG



Фарғоналик уста кулол Абдулло Мамуров сополу чиннидан ясаган эртак қаҳрамонлари Афандо Аларқулсалар, Қиммату Ялмоғиларни кўрганда беихтиёр лабигада табассум пайдо бўлади.

М. ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Ажабо!

Ўчоқ бошида айтилган гап ўтов ичида қолсин.

Теги-туби паст билан пирдош бўлсан бўл, сирдош бўлма.

Ёмоннинг қўйида ётгунча яхшининг оёғида ёт!

Уйдаги гапни ташқарига олиб чиқадиган хотундан ё қочда қутил, ё тонда қутил.

Бетавфиқ отаси гарангинг гаранги. Энаси тушмагур фарангинг фаранги. Қизи қургур тарангинг таранги.

Тўра СУЛАЙМОН.

Бу ёзувга ролпа-роса 3100 йил бўлибди. Уч минг йиллик битик қаршида ҳаёлга толдим. Инсон фарзандини сифатловчи атамалар бир талай: табиат шоҳи, олий маъжудот, тафаккурда тенгсиз мўъжиза... Ана шу «тенгсиз мўъжиза»нинг могораларни тарқ этиб, ўзига бошлана ясашни, олов ёкишни ўрганганига, жилга хонишидан, қўшлар сайроғидан зақвланиб илк бор бош тебратганига неча миллион йил бўлди. Миллион йилдан бери инсон ўзаришда, тинимсиз тақомилда. У ўнлаб жамоаларни, формацияларни, тарихий тузумларни босиб ўтди. Ниҳоят, биологлар табиатда ҳою сапиенс — идрокли инсон деган мўътабар ном олди. Илгари унинг хаёли осмонда эди, энди оёғи ойда, юлдузлар остонасида. Аммо инсон деган шарафга мўқобил ўлароқ ҳарислик, очкузлик, худнамолик, бировнинг молига кўз олайтириш, айёрлик, риб, ҳуллас, хиёнат ҳисобига бойлик орттириш каби уноурлар ҳамон йўқолмапти.

Ёзувчи ўйлари

рининг бундан уч минг йил бурунги ҳикматини келтирдик. Исомнинг муқаддас китоби Қуръони каримда мухтасар қилиб, «нафс... барча ёмонликларга буюргувчидир», дейилади. (Юсуф) сураси, 153-оят). Ҳадиси шарифда эса, расулуллоҳ оллоҳ гўё сизу бизга хитоб қилиб дейди: «Эй, инсон фарзанд! На озга қаноат қиласан ва на кўнга тўясан! Тани-жонинг соғ-саломат холда тонг отираётган бўлсанг, ўзинг хотиржам бўлсан ва бир кунга етарли емишинг бор бўлса, бу ўтқинчи дунёга парво қилиб нетасан!» Юсуф Хос Ҳожибдан Аҳмад Югнакийгача, Имом Ғаззолийдан Алишер Навоийгача, Ҳаким Термизийдан Абдулла Авлоний ва Фитрат домлагача барча, барча алломи давронлар нафс туфайли инсон бошига тушадиган қулфатлардан оғоҳ этиб келдилар. «Қаноат деб ўзига керакли нарсаси аришмакка айтлади. Бошқаларда кўрган нарсани қаттиқ истамаслик ҳам қаноат саналади. Буни Ибн Сино айтган. Эътибор беринг: бошқаларда кўрган нарсани қаттиқ истамаслик... Биз нима қилаймиз? Яширишнинг ҳождати йўқ, биз гоҳи-гоҳида бировларнинг яшаш тарзини жуда-жуда «қисаб» қоламиз. Аммо дўппини олиб қўйиб, бир лаҳза сархосиб қилмаймизми, ўша одам мансаб курсисидан ўз истеъдоди туфайли ўтирибдими ёхуд қўли узун тоғасининг шарофатини бу? Тўплаган мол-мулки унга вафо қилармикан ёхуд ўтқинчи-ўтга, сувники-сувга, дегандек бир кун елга совирилиб кетармикан?

Тасаввуф пешволари нафсини сурат ва сиратига қараб нафси аммора (қайсар) нафси лавома (жазога

да бечора камбағал нима қилади? Ҳовлисида эмин-эркин ўтиролмай, чўзилиб ётолмай юраги қон бўлади-ми? Ахир тепасидаги уянинг учинчи қаватидан кичкина ховлидаги қимирлаган хонинг бари кўриниб туради-ку? Тўрт кишилик оилага шунча дабдабали қошона қуриш шартми? Кўрдингларми, мен кимман, деб келириш кимга тўри келади? Аммо бировларни ранжитиб, муттасил ўқитиб яшаган кимсаннинг умрида фароғат бўлармикан? Уч ошённинг бир ошёнга кетган маблагини маҳалладаги қарик-қарангларга, етим-есирга бағишласа, у кўпроқ савоб топмасидими?

Бундай кишиларнинг оқ тунука томили уйига қараб ўтириб, бир фермер йигитни эсладим. У Паркент туманининг Номдак қишлоғида яшайди. Қирчиллама ёшдаги бу йигит Мавлон Хожиевдир. Мавлон туманда биринчилардан бўлиб чорвачилик бўйича фермер хўжалиги очди, унга «Бахт» деб ном қўйди. Ҳозир 370 бош қорамоли бор. Йилма-йил давлатга тонналаб гўшт топширапти.

Унинг олдиди Искандар Зулқарнайнинг ўша машҳур васитини яна бир бор эслаб, мулоҳазаларимизга нуқта қўйсак ҳам бўлар. Уляими олдиди Искандар васият қилди: «Қўлларини тобутдан чиқариб қўйинглар, токи одамлар қўриб ибрат олинсин. Жаҳонни забт этган Искандарнинг қўллари ҳам алаҳ-оқибат очик кетмакда». Бу кўзларга изохнинг ҳождати бўлмаса керак, деб ўйлайман.

док қилдик, деб керилади. Уят эмасми? Мурувват қилдингми, худо хайрингми берсин, жар солма. Кимнинг қанақалигини халқнинг ўзи билади.

Бу, кийганингдан кийдирганинг яхшироқ, деган қадим ҳикматнинг тағига етган қўзи тўқ инсоннинг гапи эди.

Биз кўпинча нафсини тор маънода тушунамиз. Уни ёлғиз моддий неъмат ўрнида кўрамиз. Аслида нафсининг шакли-шамойили турли-туман. Масалан, амалини суистеъмолик қилиб, бир гарибга зулм ўтказиш руҳоний нафс шиддати эмасми? Ёки обрў талашмоқ, мукофоту унвон учун қинғир йўллардан фойдаланмоқ, бировларни камситиб, бировларга етти букилиб таъзим қилмоқ, сингари турланиб-товла-нишлар шайтоний нафсининг жилвалари, ўйинлари эмасми? Ана шунинг учун ҳам ўтмишда ҳаққа етишган авлиё кабирлар «Дунёдаги буткул фожеаларнинг ибтидоси нафси шайтон вассаваси туфайлидир» деб қўйибдилар. Пир Туркистон дег шараф тошган Шайхун-машоийи Хожа Аҳмад Ясавий деярли ҳар бир ҳикматида бизларни нафс хурджуздан оғоҳ этади: **Қул Хожа Аҳмад, қирққа қирқ, нафсининг қирқ, нафсинг сени охир дамда гадо қилгай, Қаҳҳор Эгам, нафсини қил зеру зафар...**

Оташнафас шоиримиз Суфи Олпёрнинг мана бу сатри булган гўё хитобдек жарангайди:

Қумилган телмуриб тургондан орту!

Қаранг, бировнинг мол-дунёсига зўқ тикиб, таъма қилиб тургандан кўра ер қарғига қирган афзал эмиш.

Ва ниҳоят, Искандар Зулқарнайнинг ўша машҳур васитини яна бир бор эслаб, мулоҳазаларимизга нуқта қўйсак ҳам бўлар. Уляими олдиди Искандар васият қилди: «Қўлларини тобутдан чиқариб қўйинглар, токи одамлар қўриб ибрат олинсин. Жаҳонни забт этган Искандарнинг қўллари ҳам алаҳ-оқибат очик кетмакда».

Бу кўзларга изохнинг ҳождати бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Сайдулла СИЁВ.

Одамгарчилик

— Мумкинми... кирсам? Ассаломалайкум, Бордон Бордонович! Идорангизнинг ёнидан ўтаётиб, сизни табрикламаганим бирданига эсимга тушди-ю...

— Канака табриқ? — ўнг бурчагининг бир чети неғадир қорайиб кетган саргим-тирдиган қозғоздан кўз узиб, тажаниб қиёфадан қақчайди Бордон Бордонович.

— Омонлик бўлса, бирор ойдан кейин янги йилнинг кутеламиз, — деб илжайди Турғунтош. — Унганча учрашамизми, йўқми деб, бир муборақлаб қўйгим келди-да.

Бордон Бордонович яна қозғозга тикилиб, пича жимми колди. Сўнг унга имзо чекди-да, олдиди уксунанинг тумғачасини босиб, қарнағига: «Чўлок олдимга кирсин», деб дўрангадди. Хонага қоржомаси қора мойга беланган оқоқ кимса кириб келди. Бошлиқ: «Менга қара, чўлок, нозик одамнинг хонадонин билан боғлиқ бўлган манави ишни бугундан қолдирмай битиришинг шарт», дегач, уза-тилан қозғозни столга ишқалаган ҳолда олиб, индамай чиқиб кетди. Қоржомдан юққан қора мой столнинг бурчагини янада қорайтириб қўйгандек туюлди.

Бордон Бордонович

хануз қовоғини очмасдан, Турғунтошга синқовланди: — Бир ой наридаги байрамни гапириб, бошимни айлантирма. Дардинг бўлса, шартта-шуртта айт!

— Хуллас, дардим оғир! — туйқус тундланди Турғунтош ҳам. — Икки ҳафтадан бери уйимда битта тоза юнж тўрибди-ю, шунини ичолмасдан... Уф-ф...

Бордон Бордоновичда жонлангиш сезилди:

— Ие, кизик-ку! Хўш, қани, охиригача гапир-чи.

— Алвастидан таркаган хотиним уни сандикка қулфлаб қўйган. Сандикни ёнида айланавериб, итдек қийналиб кетдим, Бордон Бордонович.

— Воҳ! Ниҳоятда бардошли одамакансан-ку, Турғунтош. Хўш, хотининг сени бунчалик хўрлашига сабаб нима?

— Нималар деярсиз, Бордон Бордонович! — суҳбатдошига олажанг қаради Турғунтош. — Йигирми йилги жуфти халолимни суяқоққа чиқариб қўймаг энди. Шунчаки пистапуруш бўлсам ҳам, ориятим бор-а!

Бордон Бордонович андак жиддий тортган бўлиб: «Узинг айтаясан-ку, хотиним ишшани қандайдир слесарга илияпти деб. Бир гап бордирки...» дея маънодор қиялаганда, Турғунтош шашо-пиша изох берди:

— Хамма гап шундаки, Бордон Бордонович, икки ҳафтадан буён квартирамиздаги иситкилар яхши ишламапти. Биттасидан тинмапти. Биттасидан тинмапти сув томапти. Неччи марта уста чақирдик, бири «ана» дейди, бири «мана» дейди... Хотиним бирорта кўчакезар слесарни қонякка илинтириб, шуларни тузаттириб олмақчи шекилли. Ҳа эссизгина-я, ўша нарса унинг ўзим ширинроқ уфалт билан майдаласам бўлмасми?

Бу гапни эшитиб, Бордон Бордонович гўдакдек жавдирганича, бир ютишиб

қўйди. Сўнг турни ўнглаб, салобат билан деди:

— Одамгарчилик юзасидан айтганда, бу ишга шаксан ўзим аралашмасам бўлмайди-ю ўшайди. Хотининг сени жуда эзворибди, Турғунтош.

— Хаддан ташқари олийжаноб одамчилигини билардим, Бордон Бордонович. Қўнглимни худди минадан тозалагандай бўлдингиз.

— Хм-м... Сен уйга бориб... хў-ў-ў сал тайёргарлик айтганда, бу ишга шаксан ўзим аралашмасам бўлмайди-ю ўшайди. Хотининг сени жуда эзворибди, Турғунтош.

Мана шунча! Агар бошни тузукроқ ишлатиб, жой-жойида қўлланган биласак, теварганмизда тикилиб ётган оддий нарсалар, энг қингал жумбоқларни ҳам осонгина еча олувчи қудратли воситига айланади.

ВАПААН СЕВЯИСИ

Ватанинг тиңчилиги учун ҳар маҳал, Ватан эшондан азиз дегиллар марддир. Тусиғу говларини маған этиб дангал, Доим эл гашини еганлар марддир.

Оғоҳлик айлансин илаш туғиға, Юрт ишқи авлоғда сингисин доймо. Ватанга фидойи мардлар руҳиға, Танинганлар завол қурмағай, ила!

Абдугани СУЛАЙМОН.

СЕНСИЗЛИК

Елғизлик ёмондир, жудодик — оғир... Кун билан тун аро ажаб тенгсизлик. Кунлар сени излаб нигоҳим оғир, Тунлар телба этар мени сенсизлик.

Елғизман деб бўлмас, ранжийди оғустлар, Айриганман десам, ёр қилар араз. Терамди термуибу минг-мингаб кўлар, Тинхолигим ҳақда тўқир минг фараз.

Канча тўқис мумкин, айтгин, ҳасратини?! Ким унинг залворин юргай ортоқлаб?!

Мухлисларимиз ижодидан

Қара, ой дивфатан кетишиб чатнаб, Қара, ҳатто кўёи оғиб бормоқда...

Эй, ўшал самимий ишқинг ёдини Менинг армонимда сақлаб қолғучи! Бормикин, сенсиз бу борлиқ холини Менинг кўзим билан кўра олғучи?!

Елғизлик ёмондир, жудодик — кескин. Ажаб кескилик бу, ажаб тенгсизлик. Шоирманми, ўқми, билмадим... лексин Шейримга айланиб борар Сенсизлик!

Ўткир ХИДИРОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ

Хусан СОДИКОВ чизган расм.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минаҳақлар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма № 264, 21387 нускада босилган. Ҳақми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Кўпга бичими А-2. Газета ИЕМ компьютерга таъриф ва операторлар Жаҳид Тоғев ва Баҳодир Файлев томонидан саҳифаланган. Тақририятда ҳақми 5 қозғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. (П) Тижорат материал

● **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаримов. Навбатчи — С. Анвар. Мусоҳаҳчи — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА ақуни — 22.00 Топширилди — 22.10

1 3 4 5 6